

1. Ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошқора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга. Ушбу қоида қайси халқаро ҳужжатда мустаҳкамланган?

2. Ҳибсга олинган ҳар бир кишига ҳибсга олиш чоғида унинг ҳибсга олиниши сабаблари айтилади ва дарҳол унга қўйилган ҳар қандай айблов маълум қилинади. Ушбу қоида қайси халқаро ҳужжатда мустаҳкамланган?

3. Ҳеч бир халқ ўзига тегишли бўлган тирикчилик воситаларидан ҳеч қачон маҳрум қилинмаслиги шарт. Ушбу қоида қайси халқаро ҳужжатда мустаҳкамланган?

4. Ўн саккиз ёшдан кичик шахслар томонидан содир этилган жиноятлар учун ўлим ҳукми чиқарилмаслик ва ҳомиладор аёлларга нисбатан бу ҳукм ижро этилмаслик қоидаси қайси халқаро ҳужжатда белгиланган?

5. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга кўра, барча халқлар ўз сиёсий мақомини белгилаш тартиби қандай?

6. Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенция (1961 йил 5 окт. Гаага) қандай ҳужжатларга нисбатан тадбиқ этилмайди?

7. Апостиль нима?

8. Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияни (1961 йил 5 окт. Гаага) имзолувчи давлатлар қандай талабни бекор қилади?

9. Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенциянинг (1961 йил 5 окт. Гаага) 6-моддасига кўра, ҳар бир аҳдлашувчи давлат апостил қўйиш ваколатига эга бўлган органларни ўз расмий вазифаларини ҳисобга олган ҳолда тайинлайди. Ўзбекистон Республикасида апостиль қўйиш ваколатига эга бўлган органлар қайсилар?

10. “Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган иккинчи факультатив протокол”га

кўра, мазкур Протокол иштирокчиси бўлган давлатларга содир этилган жиноят учун ўлим жазосини қўллаш билан боғлиқ қандай мажбурият юкланади? *(БМТ Бош Ассамблеясининг 1989 йил 15 декабрдаги 44/128-сон резолюцияси билан қабул қилинган).*

11. Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида” Минск конвенцияси(1993 йил 22 январь) бўйича шахсни учинчи давлатга экстрадиция қилиш масаласи қандай ҳал этилади?

12. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро бил мажмуаси номини олган ҳужжатлар рўйхати тўғри кўрсатилган қаторни топинг.

13. “Хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида” Киев Битими(1992 йил 20 март) кўра, мулк ҳуқуқидан келиб чиқадиган муносабатларга қайси давлат қонунчилиги қўлланилади?

14. “Хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида” Киев Битими(1992 йил 20 март) кўра, Битим предмети бўлган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ёки бошқа мулк ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ва тугатилиши агар томонларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қайси давлат қонунчилиги билан тартибга солинади?

15. Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Кишинев Конвенциясига аъзо давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорликни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари РЎЙХАТИ тўғри кўрсатилган қаторни топинг.

16. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қачон қабул қилинган?

17. Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Кишинев Конвенцияси қачон қабул қилинган?

18. Бирлашган миллатлар ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси қайси халқаро ҳужжат бажарилишини назорат қилади?

19. Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Кишинев ва Минск конвенцияларига кўра, ҳуқуқий ёрдам сўралган муассаса буюртмани бажариш ваколатига эга бўлмаса, ваколатли муассасага неча кунлик муддатда юбориши белгиланган?

20. Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Кишинев конвенциясига кўра, ўтказилган экспертиза тадқиқоти натижаларини ахдлашувчи томонлар ўртасида тасдиқланиш тартиби қандай?

21. Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Кишинев конвенциясига кўра, экспертиза ташкил қилиш ва ўтказиш харажатларини ахдлашувчи томонлардан қайси бири қоплайди?

22. Қуйидаги МДХ давлатларидан қайси бирлари бугунги кунда “Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Кишинев конвенцияси асосида ишлайди?

23. Қайси ҳолатда Кишинёв конвенциясига кўра жиноий ёрдам кўрсатишдан бош тортиш мумкин?

24. Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Кишинев ва Минск Конвенцияларига кўра ахдлашувчи томонлар алимент ундириш бўйича қандай масалаларда бир-бирларига ёрдам кўрсатадилар?

25. БМТ Низоми қачон қабул қилинган?

26. Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Кишинев Конвенциясига кўра, Ахдлашувчи Томоннинг ҳудудида фойдаланиладиган тилга ёки рус тилидаги таржимаси нотариал тасдиқланган ишончнома бошқа Ахдлашувчи Томонларнинг ҳудудларида қайси идора томонидан тасдиқлангандан сўнг қабул қилинади?

27. Кимлар сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин?

28. Ўзбекистон халқи номидан ким иш олиб боради?

29. Қуйи судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган органни кўрсатинг.

30. Судьялар корпусининг шакллантирилишини ва суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлайдиган органни кўрсатинг.

31. Солиқларни жорий қилиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органини кўрсатинг?

32. Вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ташкил қилиш ва уларни тугатишда қайси органнинг розилиги билан амалга оширилади?

33. Қайси олий давлат органи Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори лавозимига номзодларни кўриб чиқиш ҳамда маъқуллаш ваколатига эга?

34. Ким томонидан Марказий банк бошқаруви раиси лавозимига тайинланади ва озод этилади?

35. Қайта сайланиш ҳуқуқисиз ўн йил муддатга сайланадиган мансабдор шахсни кўрсатинг.

36. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди..... Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди

37. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди..... хулоса беради

38. Қонунчилик ташаббусига эга бўлмаган давлат органини белгиланг.

39.вазирликларни ва бошқа республика ижро этувчи ҳокимият органларини тузади ҳамда тугатади.

40. Ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти.....

41. Бош вазир номзоди қачон мақулланган ҳисобланади?
42. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ва унинг ўринбосарлари беш йиллик муддатга сайланади.
43.Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этади
44. Ўзбекистон халқини кимлар ташкил этади
45. Конституциявий суд таркиби қандай шакллантирилади?
46. Ҳар кимга малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи қандай ҳуқуқ ҳисобланади
47. Касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқи қандай ҳуқуқ ҳисобланади?
48. Муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқи қандай ҳуқуқ?
49. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолигига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан неччи нафардан депутатлар сайланади?
50. Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида кимнинг олдида жавобгар ҳисобланади?